



Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!


ТОШКЕНТ ХАЛҚИ

2011 йил
5 октябрь
ЧОРШАНБА
№ 79
(12.403)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz



ПИСКЕНТ ТУМАНИ

ПОЙТАХТГА САЁХАТ

«Майлобод» маҳалла фаоллари ташаббуси билан кекса ёшли фахрий отахонлар пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат қилдилар.

Нуроний отахонлар Мустақиллик майдони, Амир Темур хиёбонига ташриф буюрдилар. Шахидлар майдони, Зангиота қадамжоси, Ҳазрати Имом масжидини зиёрат қилиб, катта таас-сурот олдилар.

– Тошкентда истиқлол йилларида асрга татиғулик ўзгаришлар рўй берди, – дейди Ҳабибулло ота Мухамедов. – Илоҳим юртимизга кўз тегмасин.

ЧИРЧИК ШАҲРИ

БЕКОБОДЛИКЛАР УСТУН КЕЛДИ

Шаҳардаги Олимпия заҳиралари коллежидида «Саломатлик» вилоят спартакиадаси бўлиб ўтди.

Унда спортнинг стол тенниси, волейбол, арқон тортиш, тош кўтариш турлари бўйича 8 жамоа ўзаро беллашди. Волейбол бўйича Бекобод қизлари рақибларини доғда қолдиришган бўлса, арқон тортишда ҳам бекободликлар тенг келадигани топилмади.

Ҳали ва совриндорларга ҳимийларнинг эсдалик совгалари топширилди.

ҚИБРАЙ ТУМАНИ

ТАДБИРКОРЛИККА КЕНГ ЙЎЛ

Туман ҳокимлигида республика Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолиятини, эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш мақсадида давра суҳбати ўтказилди.

Унда республика Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси вакиллари ва тадбиркорлар иштирок этди.

Суҳбат давомида тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган саволларга керакли жавоб олдилар. Ирода МАКСУД қизи.

ТАРАДДУД

Мамлакатимизда энергетика тизимини янада такомиллаштириш, аҳолини, ишлаб чиқариш иншоотларини электр қуввати билан ишончли таъминлаш алоҳида эътибор қаратилмоқда. Электр энергиясининг узлуксиз етказиб берилиши хондонларимизни чароғон ва файзли қилибгина қолмай, иқтисодиётимизнинг жадал суръатларида юксалишида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу боис электр энергияси тармоқлари иқтисодиётнинг қон томирларига қийсланади.

Юртимизда электр энергияси таъминотини изчил такомиллаштириш, бу борада мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, истеъмолчиларга электр энергиясини узлуксиз етказиб бериш ва сифатли хизмат кўрсатиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилаётди. Айниқса, куз-киш мавсумида электр тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлашга пухта ҳозирлик қилинмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 11 июлда қабул қилинган «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2011-2012 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида жорий йилда ҳам қорли-қировли кунларда истеъмолчиларни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш юзасидан зарур ишлар амалга оширилмоқда.

Тошкент вилоятида ҳам электр энергияси, табиий газ узатиш ва иситиш тармоқлари таъминланиб, мавсумга тахт қилиб қўйилди. Ўқув ва тиббиёт муассасаларига зарур миқдорда ёқилғи

этилган қарори ижроси доирасида электр тармоқларини мукамал ва жорий таъмирлаш, янги насос станциялари қуриш, хориж инвестициялари қиритилган йирик иншоотлар ҳамда қўшма корхоналарни электр энергияси билан таъмин-

даги кабель тармоқлари участкаларида мукамал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Истеъмолчиларнинг электр энергиясига бўлган талабини тўлиқ қондириш мақсадида 13 трансформатор пунктларининг қуввати оширилди. Вилоятнинг

ги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан вилоятда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар барпо этиш ишлари изчил давом этмоқда. Жорий йилда 15 туманда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган 680 уй-жойларни электр энергияси билан таъминлаш мақсадида қурилиш ишлари тугалланган массивларда турли қувватдаги 14 трансформатор пунктлари, қарийб 20 километр узунликдаги электр узатиш линиялари қурилди. Бу мақсад тураржой массивларини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш, куз-киш мавсумини муаммосиз ўтказишга хизмат қилади.

Электр таъминоти узлуксизлигини таъминлаш мақсадида «Тошкент электр тармоқлари» корхонаси томонидан навбатчи гуруҳлар ташкил этилган. Улар барча зарур асбоб-ускуналар, ҳимоя ва транспорт воситалари, етарли даражада ёқилғи билан таъминланган. Бундан ташқари, катта ҳажмдаги носозликларни бартараф этишга йўналтирилган масъула ва техник ходимлардан иборат марказлашган таъмирлаш гуруҳлари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Буларнинг барчаси куз-киш мавсумида рўй бериши мумкин бўлган таъминотдаги узилиш ҳолатларини зудлик билан бартараф этиш имконини беради.

Лутфулла СУВОНОВ, ЎЗА муҳбири.



лашни янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Режада белгиланган ҳаво орқали ўтган электр тармоқларини капитал таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Жумладан, 2 минг километрдан зиёд электр энергияси узатиш линиялари, уч юзга яқин трансформаторлар тўлиқ таъмирланди. Шунингдек, жойлар-

туман ва шаҳарларидаги ҳаво орқали ўтган линиялар ва улардаги тармоқ трансформаторлари мавсумга шай ҳолатга келтирилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 8 сентябрда қабул қилинган «Кишлоқ жойларда уй-жойларни лойиҳалаштириш ва қурилиш-ни яхшилаш борасида-

ҚАРОР ВА ИЖРО

АҲОЛИ ХАВФСИЗЛИГИ БЕБАҲО БОЙЛИК

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, мамлакатимизда юзага келиши мумкин бўлган табиий офатлар хавфини камайтириш, бундай вазиятларда, жумладан, зилзилалар пайtida аҳолида шошилинч чоралар кўриш кўникмаларини ҳосил қилиш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 июлда қабул қилинган қарори билан тасдиқланган Аҳолини зилзилалар оқибатида юзага келадиган (табиий ва техноген хусусиятга эга) фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш комплекс дастури ушбу йўналишдаги муҳим ҳужжатлардан биридир.

БМТнинг Табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича халқаро стратегияси маълумотларига кўра, ўтган ўн йилликда тез-тез юзага келган хавф-хатарларнинг катта қисmini зилзилалар ташкил этган. Шу сабабли жойларда бу борада аҳоли кенг қатламлари ўртасида тушунтириш ишлари ўтказилмоқда ва уларни бундай вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш ишлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлигининг ўринбосари, полковник Абдор ҚОСИМОВ мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Мамлакатимизда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, бундай ҳодисалар рўй берган пайtda тўғри ҳаракат қилиш тизимини такомиллаштиришга доир салмоқли ишлар амалга оширилмоқда, – дейди А. Қосимов. – Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятга фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги,

«Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 7 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида»ги, 2007 йил 3 апрелдаги Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорлари ҳамда бошқа ҳужжатлар бу борада муҳим дастурий амал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда давр талабларига мос ҳолда ишлаб чиқилган ва 2011-2015 йилларга мўлжалланган комплекс дастур фавқулодда ҳолатларда қурбонлар ва вайронагарчиликларни камайтиришга қаратилган. Бунга республикамиз аҳолисини тайёрлаш тизими самарадорлигини ошириш, уларни бундай вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш кўламини кенгайтириш, бу борадаги маълумотларни кенг тарғиб қилиш, кўнгилли қутқарув дружиналарини ташкил этиш орқали эришилади.

(Давоми 2-бетда).



ДАЛАДА БЎЛСА ХИРМОНГА УЮЛАДИ

«Қозонда бўлса чўмичга чиқади» деган нақлнинг маъноси ҳаммага тушунарли. Уни ҳозирги пахта йиғим-терим мавсумига ҳам қўллаш мумкинми? Мумкин, албатта. Масалан: «Далада бўлса хирмонга тўкилади». Дарҳақиқат, далада қанча бўлса, хирмонга шунча уюлади.

Қайси фермер гўзасига қандай ишлов берган бўлса, шунга яраша хирмонга эга бўлапти.

Ҳозир хирмонидан барака топаётган фермерлар кўп. Шулардан бири Янгийул туманидаги «Исло-бек барака» фермер хўжалиги раҳбари Рустам Ҳамробеков. У давлат эҳтиёжлари учун пахта сотиш шартнома мажбуриятини бичинчилар қатори бажарганига анча бўлди. Энди иккинчи теримни ҳам шахд билан бошлаб, бир уринишда яқунлашни кўзлаяпти.

Дарвоқе, Рустам Ҳамробеков шартномани биринчи теримнинг ўзиданоқ анча ортқи билан бажарди. Қабул пунктларига 162 тонна ўрнига 197,4 тонна

хом ашё топширди. Маълумки, биринчи терим юқори навларга қабул қилинади. Демак, даромад ҳам анча салмоқли бўлади. Бунинг устига давлатга сотилган ҳосилнинг 182 тоннаси, яъни 92 фоиздан кўпроги уруғлик пахта. Бу ҳам анчагина қўшимча даромад дегани. Хуллас, фермер хўжалигининг 50 нафар аъзосининг бу йилги ҳалол меҳнатлари икки қарра оқланади, десак муболаға бўлмас.

– Кўп йиллик кузатишларимдан ишонч ҳосил қилдимки, пахтакор йилда икки марта чарчоғини унутади, – дейди Рустам Ҳамробеков. – Биринчи марта авайлаб парваришлаган гўзаси ер бетини тўла қоплаб, дала

яшил гиламдек товланган. Бундай баравж гўзанинг ҳосили ҳам баракали бўлади-да. Иккинчиси, пахта далага оппоқ кўрпадек тўшалганда. Тажрибали дехқон уюлажак хирмон чўғини шунга қараб тўғри чамайлади. Биз бошидан режани пухта олиб, хўжалигимизнинг 50 аъзоси ва маҳаллий уюшмаган 200 аҳоли бир бўлиб теримга тушиб, биринчи теримни етти иш кунда яқунладик. Кунига 130-140 килограммдан пахта терган Ирода Жалимбетова, Маъруф Мансуров каби илғорларга 30 минг сўмдан мукофот бериб борганимиз яхши иш берди. Бу ҳаражатлар ўзини оқлайди, албатта. Чунки, пахтадан бу мавсум камида 80 миллион сўм соф фойда кўрамиз деб турибмиз.

СУРАТДА: фермер Рустам Ҳамробеков.

Даврон АХМАД олган сурат.

Вилоят пахта штабидан олинган маълумотларга қараганда, кейинги уч-тўрт кун давомида яна ўнлаб фермер хўжаликлари давлат эҳтиёжлари учун пахта сотиш шартнома мажбуриятларини бажарди.

Чиноз тумани

«Абдукарим Абдурахим», «Мирсобир ота», «Саидхон Хамид», «Кўнгирот», «Ўринбой хожи», «Озод обод Чиноз», «Турсуноя ая», «Қуйинбой ота», «Мирсобиров Шукрулло», «Ақромов Мирзаодил», «Ақромов Ўринбой», «Тулаган Абдуқодиров», «Нурнабоев Ақмал», «Бекмуродов Абдурахмон», «Жавкеев Тожибой», «Қолмирзаев Қолдибой», «Сейт-Айдар», «Боғи Муроди ҳосил», «Гулрух нур файз», «Жуманов Фарход».

Оққўрғон тумани

«Азизбек», «Ҳазилдин Омонов», «Бек-Жаҳонгир-Агро», «Дилшод», «Жавлон чор ф/х», «Қурбоназар Баҳром», «Музаффархон Тўра», «Найман ч.ф», «Одилжон Комилов», «Рўғунт», «Саидабдор Султонсайд», «Сарбон-Самандор ф.х», «Т-Исло», «Умнат Сардор Санжар», «Уста Пахтакор Абдували».

Қуйи Чирчиқ тумани

«Олтин Хазина».

Бўқа тумани

«Тупчибой ота ўғли Рисқийбой», «Бўқалик Раҳимжон», «Қиличев Насриддин», «Нишон»,

«Ғулом Темур Файз», «Сиддик Махсум Жумабой», «Меҳти Ҳосилот», «Абдурахмон Орзу», «Дехқоний Отарик».

Бекобод тумани

«Аҳмадийер омад», «Оттабек-Аноркул», «Ҳосилот Ҳошимбой файз», «Саҳоват Муровват», «Темсарбегим», «Турдибоев Абдусоли», «Ибодат опа», «Жўшқин Жамшид», «Тоштемур омад барака», «Эшмуродов Фирдавс», «Насим-Улғубек Файз», «Янги ҳаёт».

Пискент тумани

«Дадаев Тўғулбой», «Бегали Холбоев», «Фуркат», «Дадаева Анор», «Ғуломжон», «Даврон Фатон Уролова М», «Абдурахмонов Мамарайим», «Дадаев Нурбек», «Уктам Комил», «Ҳамроев Мирзаарам», «Ойбек Сотиболдиев», «Ибодуллоев Хайдарали», «Ҳожи-ев Довудбек», «Ақмал», «Аширов Баҳром Сафаралиевич», «Ғижгон Қодиров Сирожи-дин», «Маржона Рўхсона», «Раимжонов Исок», «Ҳасанов Абдумутал», «Жўраев Раҳимберди», «Мақнуна Шаҳзода боғи», «Бегали Холбоев».

ТОШКЕНТДА ТИББИЁТ КЎРГАЗМАСИ

Бугун пойтахтдаги «Ўзэкспомарказ»да халқаро ихтисослаштирилган тиббиёт – Ўзмедэкспо – 2011 кўргазмаси очилади.



Кўргазма Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Дори-дармон» компанияси, Савдо-саноат палатаси, Хорижий фармацевтик компаниялар ва ишлаб чиқарувчиларнинг юртимиздаги ваколатхоналари ассоциацияси ҳамда Беларус республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси кўмагида ташкил этилди.

Унда тиббиёт техникалари, стоматология ускуналари ва дори воситаларини ишлаб чиқарувчи компанияларнинг махсулотлари ҳамда дистрибьюторларнинг турли хизматлари тақдим этилмоқда.

Бу йилги кўргазмада Россия, Беларус, Польша, Ҳиндистон, Германия, Жанубий Корея, Хитой, Эрон мамлакатлари компаниялари ҳам ўз махсулотларини намойиш этишмоқда.

«Туркистон-пресс»

ҚАРОР ВА ИЖРО



АҲОЛИ ХАВФСИЗЛИГИ БЕБАҲО БОЙЛИК

Дастурда бир қанча йўналишдаги ишларни амалга ошириш кўзда тутилганини таъкидлаш жоиз. Масалан, таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларини факулдда вазиятлар пайтида тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш бўйича комплекс тизимни ишлаб чиқиш мазкур дастурда назарда тутилган вазифалардан биридир. Шу боис 2012 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари билан ҳамкорликда мамлакатимиздаги барча ўқув юртидаги "Ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш" ўқув курсини жорий этиш режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, ўқувчининг хавфсизлик паспорти ва зилзилалар пайтида факулдда ҳолатлар юзага келганида ўзини тўғри тутиш қоидалари акс эттирилган "Ўқувчининг шахсий хавфсизлиги" эслатмаси етти тилда chop этилади. 2011-2012 йилларда мактаблар, лицей ва коллежларда ўқувчиларни тайёр-

(Давоми. Боши 1-бетда).

да Фуқаро муҳофазаси институти фаолият кўрсатмоқда ва у бу борадаги юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш бўйича мамлакатимизнинг асосий ўқув-услубий ҳамда илмий-педагогик маркази ҳисобланади. Комплекс дастур доирасида 2013 йилнинг январидан мазкур институтда таълим муассасалари раҳбарларини, шунингдек, фуқаролар йиғинлари аъзоларини зилзилалар пайтида тўғри ҳаракат қилишга ўқитиш учун махсус амалий машғулотлар ўтказилади. Бунинг учун ин-

ститут базасида симуляци тренажерлари билан ҳиёзланган махсус иншоотлар ташкил этилади.

Шунингдек, дастурда ахборот-маърифат тадбирлари ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Мисол учун, 2012-2015 йилларда зилзилалар оқибатида (табиий ва техноген хусусиятга эга) факулдда вазиятлар пайдо бўлишининг сабабларини, уларнинг рўй бериш хавфи юзага келганида аҳолининг хатти-ҳаракатларини кўрсатиб берадиган турли оммабop, қисқа метржагли илмий-таълим фильмлар ҳамда видеороликларни яратиш режалаштирилган. Шу билан бирга, бу борада анимация, мультимедиа ва бошқа маърифий-ўқув материаллари тайёрланади.

Дастурда оммавий ахборот воситаларида инсон ҳаёти ва фаолияти хавфсизлигини таъминлашга оид махсус руқилар, викториналар, телекўрсатув ҳамда радиоэфиридаги таълим босқичма-босқич ташкил этиш назарда тутилган. Жумла-

дан, айни пайтда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Ёшлар" телеканали билан биргаликда зилзилалар пайтида тўғри ҳаракат қилиш тўғрисида илмий-услубий фильмни ишлаш жараёни давом этмоқда. Таъкидлаш керакки, бу каналда хаваскор кутқарув жамоалари ўртасида "Катта ўйин" телевизион мусобақалари мунтазам ўтказилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фавқулдда вазирлигининг нашрлари - "Вазият" газетасида ва "Муҳофаза +"

журналида турли табиий офатлар пайтида тўғри ҳаракат қилиш қоидалари ҳақида мақолалар мунтазам chop этилмоқда. Бундай чора-тадбирларнинг барчаси аҳолига юзага келадиган сейсмик ҳолатни баҳолаш ва зилзилалар пайтида тўғри ҳаракат қилиш кўникмаларига эга бўлиш имконини беради.

Инсон ҳаёти ва саломатлиги олий қадриятдир. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган, миллий қонунийчилигимиз ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган. Аҳолини зилзилалар оқибатида юзага келадиган (табиий ва техноген хусусиятга эга) факулдда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш комплекс дастури табиий офатларга самарали қарши туришга хизмат қиладиган яна бир муҳим ҳужжатдир. Зотан, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, аҳоли хавфсизлиги бебаҳо бойлик ҳисобланади.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗАМ мухбири.

ХОНАТЛАС ФЕСТИВАЛИ

Тошкентдаги Миллий санъат марказида Art Week Style.uz санъат ҳафталиги орафасида Хонатлас фестивали ўтказилди.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамгармаси, "Осиё рамзи" моделерлар уюшмаси ҳамда Тошкент тўқимачилик ва енгил санъат институти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир ёшларни миллий қадриятларга жалб этиш, миллий мерос, анъана ва урф-одатларимизни сақлаб қолиш ва бойитишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Мамлакатимизда ҳар йили ўтказиладиган Хонатлас фестивали камаланиб бора жилolari билан товланувчи матолардаги бежирим нақшлар, турфа андозлар билан ажралиб туравериш ёрқин либослар шоу-сидир. Бу йил ёш дизайнерлар хонатласдан тайёрланган кундалик ва кечки 160 та тўппондан иборат 17 та тўппонга мухлислар эътиборига ҳавола этишди. "Эски шахар" болалар ижодиёти маркази ўқувчилари томонидан намоёиш этилган болаларнинг либослари иштирокчиларда катта кизиқиш уйғотди.

Фестивалда Тошкент тўқимачилик ва енгил санъат институти талабалари ҳамда дизайнликл оламини эндигона қадам қўйган ёш ижодкорлар хонатласдан тайёрланган миллийлик ва замонавийлик уйғунлашган тўқималарни томошабинлар ҳукмига ҳавола этишди.

Инобат ЭГАМКУЛОВА,
"Туркестон-пресс".

КАФОЛАТСИЗ МАҲСУЛОТДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Чирчик шаҳар давлат солиқ идораси ходимлари товар-моддий бойликлар четдан ноқонуний кириб келишининг олдини олиш орқали истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилмоқда.

Чунки ноқонуний сотилган маҳсулот давлатга солиқ тўлашга оид тегишли қоидаларни бузибгина қолмай, бундай кафолатсиз маҳсулотлар истеъмолчилар соғлигига ҳам жиддий зарар етказиши мумкин, дейди Чирчик шаҳар ДСИ бўлими бошлиғи Моҳири

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ: ИСЛОҲОТ САМАРАЛАРИ

ИЗЛАНИШ МУВАФФАҚИЯТ КЕЛТИРАДИ

Агар мўлжал тўғри олинмаса, минг бир кўчага кириб чиқиш мумкин, лекин натижа бўлмайди, - деди суҳбатимиз иштирокчиси Қириқ тўман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Рустам Музаев.

Бирор вазифани белгилаб, албатта, маслаҳатлашиб, режалаштириб оламиз. Тарбиячилик сабот-матонат, кунт-чидам, инсоний меҳр-муҳаббатни тақозо этади. Мустақиллик устоз ва муаллимлик касбига янги талаблар қўйди. Юртбошимизнинг ўқитувчилар меҳнатига берган юксак баҳоларида ҳам шу талаблар зоҳир.

Бугун таълим тизимида чуқур ислохотлар давом этапти. Шу муносабат билан ўқитувчилар малакаси, маҳоратига талаб ҳақида гапириб берсангиз.

Таълим соҳасидаги ислохот изчил кечапти. Хоризми бошланғич синф дарсликлари ҳар икки йилда, 5-9-синфларнинг ўқув дарсликлари эса, ҳар тўрт йилда замонавий билимлар, фан янгиликлари, илмий ҳусласлар билан бойитилмоқда. Энг янги педагогик технологиялар ўқитиш жараёнига жадал қилиб келаяпти. Бинобарин, ўқувчининг малакаси ҳам шу суръатда монанд англоини бориши керак.

Биз аввало, ўтган ўқув йили натижаларини чуқур таҳлил қилиш асосида ўқитувчиларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, улар янги педагогик технологияларни мукамал эгаллаб олишларини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор билан ёндошдик. 19 та таълим мактабида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ошириш курслари ташкил этдик. Уларнинг машғулотларига 1341 фан ўқитувчиси жалб қилинди. 1466 ўқувчи эса 72 соатлик дастур асосида қайта тайёргарликдан ўтказилди.

— Ислохотлар халқ таъ-

лими муассасалари зиммасидаги вазифалар хусусиятини ҳам ўзгартириб юборди. Шу ҳақда нима дея оласиз?

Бугун биз асосан халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш масалалари билан шуғулланяпмиз. 50 та мактабда 270 та методика бирлашмаси фаолият кўрсат-

қатий режа асосида ўтказилган фан ойлари сафараси ўлароқ филология ва қардош тиллар фанлари ойларида 2,6 фоиз ижобий ўсишга эришилди.

Ислохотларнинг ҳозирги босқичида таянч мактаблари фаолиятининг аҳамияти хусусида кўп гапириляпти. Рустам Усмоналиевич, айтинг-чи,



моқда. Улар 1400 га яқин фан ўқитувчисини қамраб олган. Ўтган ўқув йили давомида тажрибали ўқитувчиларимиз орасидан методик ёрдам ташкил этиш бўйича кўпгина ташкилотчилар этишиб чиқди.

Услубчиинг ишига талаб алоҳида. Назира Қорақулова, Дилдора Махкамова, Нигора Абдуллаева, Фотира Ҳасанова, Муниса Мансурова сингари услубчиларимизнинг кўмаги билан ўнлаб ёш ўқитувчиларимиз билим ва тарбия беришда юқори натижаларга эришишмоқда. Фан методика бирлашмалари фаолиятининг самараларини таҳлил қилиш шунинг қарсақидики, ўтган ўқув йилида 1397 ўқитувчида фақат 190 киши 70 баллдан паст натижа кўрсатди. Мактабларнинг методика бирлашмалари уларга ёғи топириқ берди. Янги ўқув йили бошлангичи арафасида педагогик ўқишларда улар ўз мавзулари бўйича баҳарлар ишлари натижаларини ҳимоя қилишди. Табиийки, бутун жараён тўман методика кабинетини услубчиларнинг раҳбарлиги ва назорати остида кечади. Улар

бу халқро ташкилот мактабларга глобус ва замонавий доскалар тақдим этди.

Халқ таълими вазирлигининг буйруғи билан 1-мактаб илгор педагогик технологиялар бўйича аниқ ва табиий фанларнинг республика тажриба-тадқиқот майдони этиб белгиланди. Унинг дастлабки натижалари қандай?

Шу мактабда физика, кимё, математика, информатика, география, биология фанлари бўйича олти тадқиқотчи ўқитувчи белгиланиб, улар нафақат педагогик методларни тажрибадан ўтказишди, балки уларни мувофиқлаштириб, тақомиллаштиришда бевосита қатнашди. Уларнинг тақдиф ва истаклари бу ишланмаларни мукамаллаштиришда эътиборга олинади.

Тадқиқотчи ўқитувчи ўз фани бўйича оптималлаштирилган ўқув дастурларидаги мавзуларни ўрганиб, улар орасидан мураккабларини ажратиб олади. Республика таълим маркази шундай мавзуларни ўқитиш чоғида фойдаланиш учун 118 та инновацион педагогик технологияни тақдим этган. Тўман мактабларининг бу дарсларда қатнашган ўқитувчилари янги тажрибалар билан таъиниб, бу ерда орттирган билим ва малакаларидан ўз мактабларида фойдалана бошлади.

Таълим узлуксиз жараён. Шунингдек, методик ва тажриба-тадқиқот майдонларидаги фаолият ҳам. Аммо тадқиқотчи ўқитувчиларимиз олиб бораётган ишлар бугун ўз самарасини бера бошладилар. Улар ўқитувчиларимизда янги педагогик технологияларни ўрганиш, ишга ижодий ёндошиш, демак, педагогик жамоаларда соғлом рақобат руҳини кучайтирмоқда. Ўқитиш самардорлигини оширишда бунинг аҳамияти катта.

Тошкент ҳақиқати" мухбири Жўра САДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.

Тошкент Олий умумқўшин кўмондонлик билим юртида пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидаги умумтаълим мактаблари ҳарбий-спорт синфлари ҳамда ҳарбий-ватанпарварлик ва спорт клублари тарбияланувчиларининг тантанали қасамёд қабул қилишга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

ВАТАНГА МУҲАББАТ МАКТАБДАН БОШЛАНАДИ

"Соғлом авлод учун" жамгармаси томонидан ташкил этилган бу тадбирда ҳарбий-спорт синфлари, ҳарбий-ватанпарварлик ва спорт клублари тарбияланувчилари, ота-оналар, ҳарбийлар ва журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат махфияси янгида бўлган Ватан ҳимоячилари тантанали қасамёд қабул қилди.

Орзуим чегарачи бўлиш, - дейди Тошкент вилояти Чирчик шаҳридаги 10-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Анавар Турғунов. - Бугунги кун мени Ватанимиз сарҳадларини ишончи ҳимоя қилишга эзгу ниятга эришишга яна бир қадам яқинлаштирди, деб ўйлайман. Қасамёд қабул қилар эканман, тинчлик, осойишталик ва фаровонлик ҳукм сураётган Ўзбекистонда туғилганимдан бениҳоя фахрландим.

Ёш Ватан ҳимоячилари тадбир ниясида Тошкент Олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти фаолияти билан яқиндан танишди.

ЎЗА.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2011 йил 4 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғжона ва бошқа мажбурий тўловлар учун ҳужжатларнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади. 1)

1 Австралия доллари	1688,74	1 Малайзия ринггити	545,60
1 Англия фунт стер.	2720,97	1 СДР	2733,26
1 АҚШ доллари	1750,27	1 Швейцария франки	2121,23
1 Канада доллари	1688,04	1 ЕВРО	2369,07
1 Хитой юани	274,57	10 Ж. Корея вон	14,82
1 Россия рубли	54,51	10 Япония иенаси	227,37

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбурийтини олган.

САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ ОЛАСИЗ

ОЛДИ-СОТДИ ҲУЖЖАТЛАРИ ҚАНДАЙ РАСМЙЛАШТИРИЛАДИ?

Яқин қариндошим умумий мулкдаги ўз улушини бир танишига сотмоқчи. Бунинг учун ҳужжатлар қандай расмийлаштирилади?

Шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг аризаларини бошқа жисмоний ва юридик шахсларга таъинириш тартиби қандай?

Шоҳида ОРТИКОВА, Бекобод тумани.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 224-моддасида умумий мулкдаги улушни сотувчи ўз улушини ўзга шахсга сотиш нияти ҳақида бошқа мулкдорларга ёзма равишда маълум қилиб, улушнинг нархи ва уни сотишнинг бошқа шартларини кўрсатиш шарт. Ушбу қоидалар айрибошлаш шартномаси бўйича улушни бошқа шахсга бериш чоғида ҳам қўлланилади. Амалдаги қонунчиликда сотилаётган (ёки айрибошлаётган) улушнинг сотув нархи ва бошқа шартлари, агар банклардан олинган кредит ҳисобига сотилаётган бўлса, бу ҳақда барча маълумотларни, сотув нархини бўлиб-бўлиб олишга келишилди. Муддатлар ҳақида, аризани олган кундан эътиборан қанча муддатда нотариал идорага келиб имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқидан фойдаланиши ёки фойдаланмаслиги ҳақида ариза бериши мумкин. Шунингдек, бошқа маълумотларни улушни мулк эгаси умумий мулк эгаларига ёзма ари-

засини манфаатдор фуқароларга нотариал идора орқали топириши мумкин. Бу мулкнинг барча иштирокчилари розилиги билан амалга оширилади. Ўз улушини ҳада қилимоқчи бўлган мулк эгаси барча керакли маълумотларни кўрсатиб, тўлиқ ёзилган аризасини умумий биргаликдаги мулкнинг барча иштирокчиларига алоҳида топиришни сўраб нотариусга мурожаат қилиши даркор.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 24-моддасига асосан никоҳ даврида олинган мулкни тасарруф этишда мулк эгаси турмуш ўртоғининг нотариал тартибда тасдиқланган розилик аризаси талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 540-моддасига кўра, мулк ижараси шартномасида тарафлардан ҳар бири бошқа тарафлар билан бир ой олдин кўчмас мулк ижараси шартномасида эса - уч ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб, истаган тараф нотариал идора орқали шу

ҳақдаги аризасини иккинчи тарафга топириши мумкин. Унда жисмоний ва юридик шахсларнинг аризаларини олиб бошқа жисмоний ва юридик шахсларга топириш тартиби белгиланган. Аризалар нотариал идорага қандай иккита нусхада тақдим этилади. Улардан бири топирилганлигини маълум қилиш шарт билан почта орқали ёки бевосита тегишли шахсларга имзо чекириб топирилади. Бошқа нусхаси нотариал идорада қолдирилади.

Ариза почта орқали юборилган тақдирда у олувчи нотариуснинг ҳисобли хати билан юборилади. Кузатув хатининг нотариал идорада қолдиган нусхасида шу аризанинг берилганлиги қайд этилган реестрининг рақами кўрсатилган ва давлат божи тўланганлиги ёзиб қўйилади.

София ХУСАНОВА,
Ангрен шаҳар 1-давлат
нотариал идораси
нотариуси.

АСОРАТИ ОФИР ИШҚИБОЗЛИК

Ушбу бу йил биринчи синфга чиқди. Бироқ, адаси унга "қўл" телефони олиб берганича икки йил бўлиб қолди. Уни ҳамisha кўтариб юриб, уйлагани уйлаган. Кейинги пайтларда бундай аппаратларнинг инсон саломатлигига таъсири ҳақида кўп гап бўляпти. Айтинглари-чи, "қўл" телефонлари чиндан ҳам хавфлими?

Феруза Кобилова, Охангарон тумани.

— Ташвишингиз ўринли, Ферузахон. Чиндан ҳам "қўл" телефонидан узлуксиз фойдаланиш ҳар жиҳатдан соғлиққа зарар етказиши. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти халқро экспортларнинг фикрича, бу аппаратлар бош миёда зарарилишлар пайдо бўлиши ва ривожланишига олиб бориши мумкин.

БМТ Янгиликлар марказининг маълум қилишича эса, "қўл" телефонлари ҳосил қилувчи электр магнитли майдонлар оғир ва асоратли касалликлар кел-

тириб чиқаради. Дунёнинг 14 мамлакатидан 30 олим аъзо сифатида қиритилган ишчи гуруҳи шундай ҳулосаларни тақдим этди.

Мутахассислар "қўл" телефонларига эга бўлган болалар ва ёшлар кўпайиб бораётганлиги, улар керак-но керак пайтларда бундай телефонлар орқали соатлаб гаплашишларидан қаттиқ ташвишга тушмоқдалар.

Баъзи маълумотларга қараганда, бугун дунёнинг турли чеккаларида яшовчи 5 миллиард киши "қўл" те-

лефонларидан фойдаланмоқда. Ишчи гуруҳи аъзолари бундай аппаратлардан муттасил фойдаланишнинг истикболда эҳтимол тутилган оқибатларини муҳокама қилишяпти. Унинг иштирокчилари янги симсиз алоқа-коммуникация технологияларидан фойдаланишга ҳаддан зиёд берилиш келгусида яна рақининг бир хил тури - глимоани келтириб чиқариши мумкинлиги ҳусусида огоҳлантиряптилар.

Абдукарим ТОЖИЕВ,
фахрий шифокор.

XXI ва
аср дунёДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ
КЕСКИН КАМАЯДИ

Греция ҳукумати бюджет харажатларини камайтириш мақсадида қаратилган чоралар доирасида 30 мингга яқин давлат хизматчиларини ишдан бўшатиш режаси туғрисида келишиб олди.

Reuters агентлиги суҳбатлашган вазир ўринбосарининг (исм-шарифи келтирилмаган) айтишича, давлат аппарати ходимларидан бир гуруҳини қисман ҳақ тўлашга ўтказиб, бир йилдан сўнг ишдан бўшатиш йўли билан меҳнат заҳирасини яратиш мўлжалланмоқда. 30 минг амалдорни 2011 йилнинг охиригача меҳнат резервида ўтказиш кўзда тутилмапти.

Давлат хизматчиларини қисқартириш туғрисидаги қарор Афинада яшанба куни бўлиб ўтган вазирлар маҳкамаси мажлисида қабул қилинди. Шу мажлисда 2012 йил бюджетни ҳам тасдиқланди. Ушбу ҳужжатда бюджет танқислиги ички ялпи маҳсулотга нисбатан 6,8 фоиз бўлиши назарда тутилган.

2011 йил бюджетидagi танқислик, ҳукуматнинг ай-

ГАРОВДАГИ АЁЛ
КЎЙИБ ЮБОРИЛДИ

Филиппин жангарилари икки ой илгари гаровга олишган америкалик аёлни қўйиб юборишгани ҳақида хабар тарқатди AFP агентлиги.

Жангарилар Жерфа Лансмен исми асирани Филиппиннинг жанубидаги Басилан оролига қайиқда олиб келишиб, қирғоққа қўйиб юборишди. Гаровдаги аёл учун тоvon пули тўлагани йўқми, номаълум.

Reuters агентлигининг маълум қилишича, полиция патрули уни Басилан оролидаги қишлоқлардан бирида топди. "Аёл жуда холдан тойган бўлиб, бизни кўргач қувониб кетди" дея ҳикоя қилиб берди полициячилардан бири.

Аёл билан бирга кўлга олинган унинг 14 ёшли ўғли ва 19 ёшли жиянини жангарилар ҳамон гаровда ушлаб туришди. Лансмен Филиппинда ўз она шаҳри яқинида очган курортни ободонлаштириш билан шуғулланаётган эди. У Филиппинда туғилган бўлсада, АКШда ўсган, чунки уни америкалик оила боқиб олган эди.

Ўғирлаш учун жавобгарликни хали бирорта ташкилот ўз зиммасига олгани йўқ. Айрим маълумотларга қараганда, жангарилар уларни ўғирлаб кетганларидан сўнг кўп вақт ўтмай 10 миллион доллар гаров пули талаб қилишган. Аммо, бу маълумот ҳозирча тасдиқланмади.



тишича, 8,5 фоиз бўлади. Греция молия вазирининг маълум қилишича, танқисликни 8,5 фоиз атрофида ушлаб туришга давлат таъминоти ва фуқаролар ўзларини "рисоладагидек тутишса"гина эришиш мумкин.

Греция ҳозир дефолт ёқасида. Давлат қарзи 350 миллиард евро. Мамлакат ҳукумати Европа Иттифоқиға молиявий ёрдам сўраб мурожаат қилишга мажбур бўлди.

НИГОҲ

КИМГА ГУЛ,
КИМГА ТИКОНИ

Тожикистон президенти Имомали Раҳмоннинг мамлакатни бошқаришидаги энг ёқтириб танилаган усули жамоатчилик кўзига чанг пурқашдир. У керагида шундай чанг-тўзон пурқайдики, фуқароларнинг нафақат кўзлари ачишади, бал-

ки томоқлари ҳам қичишади. Ўтган икки ўн йиллик давомида шунча қўс илҳомотлар эълон қилинганки, экспертлар ҳисобла алашиб кетишди. Халқнинг ҳаёти яхшиланишидан эса ҳамон ҳеч қандай дарак йўқ.

Хар қандай мамлакатда пенсионерлар аҳолининг энг камхараж қатлами сифатида эъзозланади. Бир машҳур файласуф айтган экан: "Кекса фуқароларини кўн-гилдагидек ҳаёт тарзи билан таъминлаб қўйган давлатнинг ўз келажагига ишонч билан қарши муқим". Лекин бунинг Тожикистонга алоқаси йўқ. Мамлакатнинг статистика агентлиги маълумотларига қараганда, ҳозир пенсионерлар ярим миллиондан ошди. Уларнинг ўндан икки қисми камбағал.

Шу йил март ойида озик-овқат маҳсулотлари нархининг кескин ошганини Тожикистонда ижтимоий норозиликнинг кўйилишига сабаб бўлди. Бу ҳол Рудакий туманида, айниқса, яққол намоён бўлди. Элликача яқин пенсионерлар маҳаллий ҳокимият бироноси олдиди намоён бўлишди. Иштирокчилар пенсия пуллари ва бошқа ижтимоий нафақалар ўз вақтида тўланишини талаб қилишди.

Рудакийликлардан сўнг панжикентликларнинг ҳам сабр кесалири тўлди. Юз элликдан зиёд маҳаллий аҳоли коммунал соҳада тартиб ўрнатиш ва халқ истеъмоли моллари нархини арзонлаштиришни талаб қилиб, кўчага чиқди. "Сангтўла-1" электр станциясида ҳам фақуллода вазият юз берди. Ишчи ва хизматчилар агар иш ҳақидан қарзлар тезда тўланмаса, иш ташлашларини айтиб, станция раҳбарларини қатъий огоҳлантирдилар.

Ҳақиқатан ҳам март ойи Тожикистон учун таҳликали келди. Шу даврда бутун

мамлакатда бир қоп уннинг нархи ўртача 150-155 сомонийга, бир килограмм шакар 5-7 сомонийга, гуруч 7-10 сомонийга, бир литр пахта ёғи 8-12 сомонийга чиқди. Умуман, 2011 йилнинг бошидан уннинг нархи 80 фоиз, гуруч ва шакарнинг нархи 25 фоиз кўтарилди.

Табиийки, вазият шундай бўлгани боис давлат раҳбарининг попоқлиги ҳақида гап-сўзлар кўпайиб борапти. Викиликс сайтининг материалларида АКШ Давлат департаменти ходимларининг фикр-мулоҳазалари келтирилди: "Улар (Раҳмон ва унинг оиласи) мамлакатнинг энг йирик корхоналари, шу жумладан, йирик банкларига эгалик қилаётган ва ўз манфаатларини қаттиққўллик билан ҳимоя қилишмоқдалар, давлат иқтисодиётига шу орқали етказилган зарарлар ҳақида эса, ҳатто ўйламаптилар ҳам... ТАЛКО даъвомадларининг катта қисми президент Раҳмон назорат қилиб турган офшор компанияларда яшрин..."

Аслида ҳам Тожикистон бир кишининг империясига айлангани ҳақида анчадан буён гап-сўзлар юрибди. Мамлакатда ҳамма нарса —

Сайфулло ҒОИНАЗАРОВ.
"Белый Парус",
интернет-газета.

ДАНИЯ ТАРИХИДА БИРИНЧИ МАРТА

AFP агентлигининг маълумотига кўра, Дания тарихида биринчи марта мамлакат бош вазир лавозимини аёл киши эгаллади.

2 октябрь якшанба куни Дания қиролини Маггетте II Хелле Торнинг-Шмитт расмий тарзда мамлакат бош вазир этиб тайинланди. Янги бошқарувчи гапига қараганда, ҳукумат таркиби яқин кунларда эълон қилинади.

Торнинг-Шмитт 15 сентябрда мамлакат парламенти бўлиб ўтган сайловларда у бошқарувчи социал-демократлар партиясининг "Қизил блок"и либерал-

консерватив "Қўқ блок" устидан галабага эришгач, ҳукумат таркибини шакллантириш ҳуқуқига эга бўлди. "Қўқ блок" кейинги ўн йил давомида Дания ҳукуматини бошқарди.

Дания оммавий ахборот воситаларининг маълумотларига кўра, янги ҳукуматнинг асосий вазифаларидан бири мамлакат иқтисодиётини рағбатлантирувчи чо-



ралар пакетини қабул қилишдан иборат. Шунингдек, Торнинг-Шмитт ҳукуматидан атмосферага чиқариладиган карбонд ангидрид газини камайтиришга қаратилган қатъий чоралар кўрилишини кутмоқдалар.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ФУТБОЛ

ЎСМИРЛАРИМИЗНИНГ ЙИРИК ҒАЛАБАСИ



Футбол бўйича 16 ёшгача ўсмирлар ўртасида 2012 йили бўлажак Осиё чемпионатида чиқиш учун ўтказилган

зилаётган саралаш мусобақасининг "С" гуруҳи беллашувларида Тошкент шаҳри мезбонлик қилмоқда.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом этиб тарбиялашнинг муҳим омилли сифатида спортни, жумладан, футболни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу халқаро майдонда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир футболчиларни тарбиялашда муҳим омил бўлаётди.

Бу галги саралаш мусобақаларида иштирокини муваффақиятли бошлаган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг асосий мақсади — келаси йили бўлажак Осиё чемпионатида муносиб қатнашиб, ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида йўлланма олишдан иборат.

Қўшмаиш мамлакатлари учун ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида йўллан-

ма берадиган ягона турнир — Осиё чемпионатининг саралаш мусобақалари етти гуруҳда ўтказилмоқда. Ўз гуруҳида дастлабки икки понтонни эгаллаган жамоалар қўшма чемпионатида йўлланма олади. Шунингдек, улар каторига учинчи ўринни эгаллаган терма жамоалар орасида энг яхши кўрсаткичга эга бўлган иккитаси ҳам қўшилиди. Ҳозирча олти гуруҳда беллашувлар якунланиб, 13 мамлакат вакиллари саралашдан муваффақиятли ўтди. Осиё чемпионати финал босқичида қатнашадиган яна уч терма жамоа пойтахтимиздаги саралаш турнирида аниқланади.

1996 йилда туғилган футболчилардан иборат Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси саралаш мусобақасининг "С" гуруҳида Бахрай, Тожикистон, Қирғизистон ва Ҳин-

дистон футболчилари билан рақобатлашмоқда.

Терма жамоамиз Тошкент темир йўл муҳандислари институти стадионида ўтказилган саралаш мусобақасидаги биринчи учрашувини Қирғизистон футболчиларига қарши ўтказиб, 7:0 ҳисобида зафар кучди.

Ҳужумкор ўйин намойиш этган ёш футболчиларимиздан Шохжон Аббосов қирғизистонлик футболчилар дарвозасини уч маротаба ишол қилган бўлса, қолган голлар Улуғбек Давлатов, Иброҳим Абдуллаев, Жамшид Болтабоев ва Изаатилла Абдуллаев ҳисобига эзилди.

"С" гуруҳидаги қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: Бахрай — Тожикистон 2:2, Ҳиндистон — Қирғизистон 7:0.

Зоҳир ТОШҲУЖАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Бойликка ружу қўйдингми, иккисидан бирини ё виждон билан меҳнатни устун қўйиб, тадбир билан иш қўриб, умр бўйи фароғатда яшайдан ё виждон ўрнини жигирдон эгаллаб, нафсинг ҳаққалак ота бориб, ёлғон-яшиқ, алдам-қалдамлик, гирромлик йўлига тушиб, охири-оқибат эл-улус олдидан юзи қаро бўлиб қолсан, жиноятга қўл уриб, қинғир ишларинг жабрини тортасан. Учунчи йўл йўқ.

Олис Туркиядан юртимизга келиб, мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилган энгилликлар ва имтиёзлардан фойдаланиш ҳақидаги тушган Левент Қорабайир иккинчи йўлни танлади. У Чирчик шаҳрида ўзи ташкил этган "SERA FOOD" масъулияти чекланган жамиятни бебилиска бойлик орттириш манбаига айлантиришмоқчи бўлди. Молиявий ишларни юритиш ва ҳисоботларни тайёрлаш учун малакали ходим тайинлашмоқда, бухгалтерия қўйиб, банк иши, бизнес ва маркетинг бошқариш масалалари билан ўзи шуғуллана бошлади. Шунда барча пинхона режаларини беҳавотир амалга ошириш мумкин, деб ўйлади. Ёпиғлик қозон ёпиғликча қолаверади, деб умид қилди.

Савдо тушумини жамиятга ҳизмат қўрсатувчи банкка ярим-ёрти топириб, мўмайгина қисминини пинхона "гум" қилиб юрди. Чунинчи, 2007 йили назорат-касса машинаси хотирасига киритилган 54,4 миллион сўмликдан кўпроқ савдо ва бошқа хизмат қўрсатиш пулларининг 20 миллион 570,6 минг сўминини банкка топширган, холос. Деярли 34 миллион сўмини ўз ичига олиб ишлатиб юборган.

Дастлабки "иш" хамирдан қил суғургандек осон қўйилгани Левентни тушмагурни дадиллаштирди. У 2008 йили ҳам қанотини кенг ёйиб ишлади. "SERA

FOOD" да ишлаб чиқарилган 110,6 миллион сўмликдан ортиқроқ қийим-кечакларни нақд пулга сотиб юборди. Бу тушумини тўлалигича назорат-касса машинаси хотирасига киритмай, банкка топишди.

Кейинроқ, бу абжир тадбиркор бош ҳисобчи вазифасига ходим қабул қилишга мажбур бўлди, албатта. Бош ҳисобчи Гулнора Норбоева билан "муроса"га қи-

қўйилган.

Бу текширувчиларни огоҳ тортирди. Улар ҳисоботлар билан чуқуროқ қизиқишди. Шунда қийим-кечакларни қирим қилмасдан савдога қўйиш одатдаги ҳол эканлиги аниқланди. Уларнинг текширув чоғидаги умумий қиймати 22 миллион 75,4 минг сўм бўлиб чиқди.

Бугина эмас. Учар тадбиркор бош ҳисобчи билан

моддий бойликлар камомоди хайрия қилинган қийим-кечаклар (!) ҳисобидан келиб чиқиши мумкинлиги, улар туғилган кунларда, байрамларда корхона ишчиларига совға қилинганлиги, болалар уйи ва бошқа хайрияларга (!) ишлатилганлигини қайта-қайта таъкидлашдан нари ўтмади. Меҳнат қонунларининг аниқ моддаларидан беҳабарлигини тан олиб, чунинчи, Е. Коновалова билан моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилиши лозим эканлигини эшитмаганликка олди.

Бош ҳисобчи ҳам ўз жиноий хатти-ҳаракатларини яширишга уринишда бош-лигидан қолишмади, кўп айбларни олднинг ишлаган бош ҳисобчи "ноғўри ишлаганлиги" билан хаспўш-лашга ҳаракат қилди.

Лекин суд далилий ашёлар, гувоҳларнинг қўрсатмалари асосида уларнинг ҳар иккисини жиноий ишлар содир этганидан айбли деб топди. Учар тадбиркор Левент Қорабайир икки йил муддатга раҳбарлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, унга ҳар ойда иш ҳақининг 20 фоизини ушлаб қолган ҳолда уч йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Гулнора Норбоевага эса ахлоқ тузатиш ишлари муддати икки йил уч ой деб белгиланди. Дўкандан далилий ашё сифатида олинган умумий баҳоси 27 миллион 75,4 минг сўм бўлган 176 турдаги қийим-кечак давлат фойдасига мусодара қилинди.

Қўриниб турибдики, виждон билан жигирдон асло муроса қила олмайди. Жигирдон, нафс устун келганда виждонга ўрин қолмайди. Туркиялик тадбиркор билан унинг бош ҳисобчи даражасидаги гунаҳдорнинг қисмати бунинг оқибати қандай бўлиши мумкинлигига аққол мисолдир.

Жўрабек МУРОДОВ.

ЯПОН ХАЛҚ

ҲИҚМАТЛАРИ

Сайқал берилмаса, ноёб тош ҳам ярқирамайди.

Ортиқча пул одамни қуртқиради.

Пулга қўл бўлсанг — одамгарчиликдан чиқасан.

Тез қайнаган тез совилади.

Йўлда йўлдош керак — турмушда сирдош.

Шамол нечоғлиқ гувлагани билан тоғни қўзғатолмайди.

Имкон бер, сандан бошқалар ҳам гул ушлаб кўрсин.

Пул, мол-дунё туғишганларни ҳам бегонага айлантириб қўяди.

Билимдон киши кўп сўзламайди, кўп сўзлаган — билимдон эмас.

Арафанинг севинчи байрамдан ортиқ.

Бир тентак югурса, гоҳо унга оқиллар ҳам эргашади.

Гулдан кўра нон афзал.

Нодонлиқнинг давоси йўқ.

Қиличдан қалам кучли.

Оқар сув айнамайди.

Ширин сўздан темир ҳам эрийди.

Қўшнинг гули чиройли қўринар эмиш.

Яхши дори аччиқ бўлади.

Сайфи СОДИҚ тайёрлади.

ҚАТРА

Қўшнингизнинг ити бизники билан олдидан-кетин болаалади.

Кутималганда қўшни итни машина босиб кетди. Кучукчаларининг кўзи энди очилганди. Жуда ачиндик. Айниқса, ўғлим йиғлағудай эди.

— Абдужаббор акадан сўраб, кучукчаларини ўзимизникига қўшиб қўяман, — деди ўғлим.

— Бундай қилиб бўлмайди, ит бегона кучукчаларни қабул қилмай, ғажиб ташлаш мумкин, — дедим.

Етим кучукчаларга ҳар қанча ачнса, ёрдам беринининг илоҳини тополмадик.

МЕҲР...

— Эгаси бирор имконини топар, ҳеч бўлмаса сут берар, — дея безовта ўғлимни тинчлатишга уриндим.

Тонг саҳар кимдир дарвозамизни қоқди. Чиқиб қарасам, қўшнингиз экан. У кучукчалари йўқлигидан ҳайронлигини айтди. Биргаликда ҳовлимиз этагидан ит инига бордик. Қўшнинг йўлакча кеча кучукчаларга на сўричча, на товоқчада сут ичра олганини, уларнинг жуда очикқанини айтди.

Бунини қарангки, ит жонивор инида бамайхотир чўзилиб ётибди. Қўшнингизнинг кучукчалари ҳам унинг устида аумалаб ўйнашарди.

Ҳам хурсанд, ҳам ҳайрон эдик. "Ўғлимнинг иши бўлса керак" деб уни уйғотиб сўрадик. У воқеадан беҳабарлигини айтди.

— Тўхтанг, тўхтанг, — деди қўшнинг. — Кечаси ҳовлимизда итингизнинг оғзида нимандир тишлаб кетганга кўзим тушувди-я. Оч қолган бўлса ниманидир олган, деб ўйловдим. Энди тушунам, кучукчаларни ўзи олиб келибди-да.

Тил-забонсиз жониворнинг бу оқибатлигини кўриб, унга меҳрим янада ошди.

вор инида бамайхотир чўзилиб ётибди. Қўшнингизнинг кучукчалари ҳам унинг устида аумалаб ўйнашарди. Ҳам хурсанд, ҳам ҳайрон эдик. "Ўғлимнинг иши бўлса керак" деб уни уйғотиб сўрадик. У воқеадан беҳабарлигини айтди.

— Тўхтанг, тўхтанг, — деди қўшнинг. — Кечаси ҳовлимизда итингизнинг оғзида нимандир тишлаб кетганга кўзим тушувди-я. Оч қолган бўлса ниманидир олган, деб ўйловдим. Энди тушунам, кучукчаларни ўзи олиб келибди-да.

Тил-забонсиз жониворнинг бу оқибатлигини кўриб, унга меҳрим янада ошди.

РАССОМ ХАНДАСИ



— Тезроқ ёнғинни ўчиринглар.

— Бунча бақирмансанг, ҳали машина сувга тўлгани йўқ-ку.